

## СТРАТЕГИК ТАРМОҚЛАРДА КЕНГ КҮЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари  
Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири, Дубай Амирлиги валиахди Шайх Ҳамдан бин Муҳаммад  
Ол Мактум бошчилигидаги делегация билан учрашувда кўп қиррали шерикликни янада  
ривожлантириш, иқтисодий ва инвестициявий лойиҳаларни илгари суриш, мудофаа соҳасида амалий  
ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.



Учрашувда БАА делегацияси таркибида ҳукумат ишлари вазири Муҳаммад бин Абдулоҳ аль-Гергавий, энергетика ва инфраструктура вазири Сұҳайл бин Мухаммад ал-Мазруий, иқтисодий вазири Абдулоҳ бин Тұлғатария, сунъий интеллект масалалари ва рақамили иқтисодиёт бўйича давлат вазири Умар бин Султон ал-Олама ҳам қатнашди.

Суҳбат аввалида Шайх Ҳамдан Ол Мактум давлатимиз раҳбарига саммий қабул учун миннатдорлик билдириб, БАА Президенти Шайх Мухаммад Ол Наҳаён ва мамлакат Бош вазири, Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саммий саломини етказди.

Учрашуда инновациялар, инновацион ривожланиш, "яшил" энергетика, инфраструктура, таълим, соглиқи саклаш, экология, рақамили трансформация, туризм ва бошقا муҳим йўналишларда ўзаро мағнағтили ҳамкорликнинг янги узоқ муддатли кун тартибини шакллантириши масалаларига алоҳида эътибор қартилди.

Куннинг биринчи ярмида ўтказилган ўзаро мағнағтили ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича кўшма форум ҳамда иккى томоннама ҳукуматлароро ва идоралароро музоказаларнинг самарали якунлари юқсан баҳоланди.

Стратегик тармоқларда кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл ҳаритаси"ни қабул қилишга келишиб олниди.

Таъкидлаш жоизи, БАА Ўзбекистоннинг Осиё миңтақасидаги асосий ҳамкорларидан бироридир.

Охирги ойли даражадаги мулокотлар ўтган йил декабрь ойида Дубай шаҳрида бўлиб ўтган Глобал иқтим савмити доирасида ўтказилган эди.

Товар айрбошлиш 2023 йилда 21 фоизга ўсиб, 626 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизда Амирликлар капитали иштирокида 320 дан ортик корхона фаолият кўрсатмоқда. Амалга оширилдётган ва истикборли инвестиция лойиҳалари портфели карий 20 миллиард долларни ташкил этди.